



## Ш.ХОЛМИРЗАЕВ ИЖОДИДА ЗИЁЛИ ШАХСЛАР ОБРАЗИ: ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИЙ ТАЛҚИН

Атажанова А.

Филология фанлари номзоди, доцент УрДПИ

Янгибаева Н.

УрДУ таянч докторант

**Аннотация:** Ёзувчи ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор бўлган ҳужжатлар, у яшаган ижтимоий муҳит ва шу муҳит кишилари билан ўзаро муносабатлар ҳақидаги маълумотлар қанчалик кўп бўлса, биографик метод ўз самарасини беради. Шукур Холмирзаевнинг ҳаётида муҳим из қолдирган устозлари, дўст-у ёрлари ва улар билан боғлиқ реал воқеалар унинг асарларига кўчиб, адаб яратган бадиий оламда яшаб келмоқда. Биз ушбу мақолада адаб ижодида учрайдиган зиёлилар образи ва улар қатнашган асарлар сюжетида ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланни жараёни ҳақида фикр илгари суриласди.

**Калим сўзлар:** биографик метод, прототип, ҳаёт ҳақиқати, бадиий ҳақиқат.

**Аннотация:** Чем больше документов, связанных с жизнью и творчеством писателя, социальной средой, в которой он жил, и сведениями о его взаимодействии с людьми этой среды, тем эффективнее будет биографический метод. Учителя, друзья Шукура Холмирзаева и связанные с ним реальные события, оставившие важный след в его жизни, перешли к его произведениям и живут в художественном мире, созданном художником. В данной статье мы представляем представление об образе интеллектуалов, встречающихся в творчестве писателя, и о процессе трансформации реальности жизни в художественную реальность в сюжете произведений, в которых они участвовали.

**Ключевые слова:** биографический метод, прототип, реальность жизни, художественная реальность.

**Abstract:** The more documents related to the writer's life and work, the social environment in which he lived and the information about his interactions with the people of this environment, the more effective the biographical method will be. Shukur Kholmirzaev's teachers, friends and real events related to him, who left an important mark on his life, have moved to his works and live in the artistic world created by the artist. In this article, we present an idea about the image of intellectuals found in the works of the writer and the process of transformation of the reality of life into an artistic reality in the plot of the works in which they participated.

**Key words:** biographical method, prototype, reality of life, artistic reality.

“Ёзувчи ҳаётни кузатиб юриб, асарни ёзишга туртки бўладиган бирор воқеага дуч келиб қолади. Бу воқеани ёзувчи ижодий ҳис этади. Шу жараёнда ҳаёт талаб қиласиган эстетик маъно кучга киради ва уни ифода этадиган





характерлар қиёфаси пайдо бўлади. Асарнинг ёзилиш жараёнида воқеанинг роли унча сезилмай қолади. Чунки, у табиий равишда характерга юкланди.”<sup>1</sup>

Маълумки, тадқиқотчи қўлида биографик материаллар, яъни ёзувчи ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор бўлган хужжатлар, у яшаган ижтимоий мухит ва шу мухит кишилари билан ўзаро муносабатлар ҳақидаги маълумотлар қанчалик қўп бўлса, биографик метод ўз самарасини беради. Шукур Холмирзаевнинг ҳаётида мухим из қолдирган устозлари, дўст-у ёрлари ва улар билан боғлиқ реал воқеалар унинг асарларига кўчиб, адаб яратган бадиий оламда яшаб келмоқда.

Шукур Холмирзаев эссе жанрида баракали ижод қилган. Олим М.Кўчкорова Шукур Холмирзаев эсселарини тадқиқ қилас экан, уларни мавзу жиҳатдан тўрт гурӯхга ажратиш мумкин<sup>2</sup>лигини қайд этади. Санъат аҳли ҳақидаги эсселарда ёзувчи ўзбек адабиёти ва санъатининг равнақи учун хизмат қилган буюк маданият арбоблари (“Бинафша ҳидланг, амаки” (Ўлмас Умарбеков), “Одил ака ҳақида ўйласам..”(Одил Ёкубов), “Шайдолик”(журналист Раҳмат Жума), “Бир оқшом сұхбати ёки дўстим Рўзи Чориев”(рассом Рўзи Чориев), “Танқидчига уч мактуб”(Иброҳим Faфуров), “Такдир башорати”(Шукур Бурҳон), “Ай Шуҳрат акам-а”(ёзувчи Шуҳрат), “Йўллар айро тушди, аммо...”(Абдулла Орипов ), “Шимол ёғдуси”(журналист Зойиржон Мамажонов), “У кишим-устоз, биз эса шогирд”(Матёқуб Кўшжонов) ҳақида гап кетса, ватан ривожи учун ҳисса қўшган, ўз меҳнати ва фидоийлиги билан эл ичида ҳурмат қозонган, Сурхон заминидан етишиб чиқсан жамоат арбоблари ҳақида “Арбоб армони” туркумидаги “Ўлдирса мард ўлдирсин”, “Васваса”, “Маҳаллий париот”, “Сабоклардан бири”, “Бу йўллар кўп қадим йўллар”; “Ҳақиқат бор эканқу!”, “Ватанга хизмат beminnat бўлади” эсселарига ёзувчи фахр-ифтихор туйғуларига эш бўлган хотираларини муҳрлаган.

Эссе жанрида ёзувчи реал воқеаларни бадиий жиҳатдан сайқал топтириб, фактларни бузмасдан ёндашади. Шу боисдан ҳам биз эсселардаги бадиий ҳақиқатнинг юзага келиши ва ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга кўчиши каби масалаларни тадқиқ этишдан кўра ҳикоялардаги образларнинг асосларини, сюжет илдизларини топишни ва бадиий ҳақиқатнинг юзага келиш жараёнини тадқиқ этишни лозим топдик. Шукур Холмирзаев муҳаббати, меҳри тушган

<sup>1</sup> Матёқуб Кўшжонов. Ҳаёт ва нафосат. Тошкент. Ф. Гулом. 1970. – Б. 26.

<sup>2</sup> Кўчкорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. Мухаррир. Тошкент. 2011. – Б 45.





инсонлар борки, унинг бадиий тафаккурида ўз сиймосини муҳрлаган, адаб улар ҳақида ўз қарашларини асарлари ичига жойлаб кетганд. Жумладан, адебнинг мактабда таълим берган устозлари бир неча асарларида прототип вазифасини бажарган. Шукур Холмирзаев 1948-1958-йилларда Бойсун туманидаги 1-ўрта таълим мактабида ўқиган. Адабиёт ҳақидаги дастлабки сабоқларни Холмуҳаммад Қулниёзов, Зикир Умаров каби фидоий устозларидан олган. Ёзувчи хотираларидан бирида : “Мактабда ўқиб юрган кезларимизда Холмуҳаммад Қулниёзов ҳамда Зикир Умаров деган домлаларимиз бўларди. Менга адабиётдан дастлабки сабоқни ана шу кишилар беришган. Жуда фидоий одамлар эди...”<sup>3</sup> дея қайд этган.

Ёзувчи “Бир кўрган таниш”, “Икки кўрган билиш” ҳикояларида таббиёт муаллими ва мактаб директори лавозимда ишлайдиган Зокир Ўриновични муаллиф алоҳида меҳр билан тасвирлаган. Муаллиф ўз яратган қаҳрамон номини– образга асос бўлган инсон номига уйқаш, оҳангдош қилиб қўйганки, бу адаб айнан кимни ўз қаҳрамони учун прототип қилганига ишора қиласди. Зикир Умаровдаги фазилатлар эса бевосита ҳикоя қаҳрамонида намоён бўлган. Асада директор худди ёш Шукурга устозлик қилган Зикир Умаров сингари овни яхши кўрадиган зоҳирлан жиддий кўринса ҳам, аслида бағрикенг, зиёли, камтарин инсон эканини райқаш мумкин. Адебнинг “Бу кишим устоз-биз шогирд” эссеси<sup>4</sup>да келтирилишича ҳақиқатан ҳам Зикир Умаров ва ёш Шукур овга чиқишиганд. Ҳикоя сюjetи учун айнан шу воқеа асос бўлган.

Зокир Ўринович кўнгил одами, нозиктаъб инсон эканини қуйидаги жумлалардан англаш мумкин:“-Хурсанд бўлиш керак. Завқланиш керак. Завқлана билиш ҳам яхши нарса. Қара майин шабада эсяпти. Кўкламникидек юмшоқ эмас, озгина дағал. Кузники-да, кузники. Бундан роҳатланиш керак. Завқ олиш керак.”

Ёки яна бир ўринда “Биз кўп хато қиласиз. Кўп завқли манзаралар қаршисидан бепарво ўтиб кетамиз. Кўп завқлардан бебахра қоламиз. Тўғри турмуш ташвишлари бор. Аммо улардан устун келиш керак. Акс ҳолда ташвишларга қўмилиб кетасан...” каби фикрларидан муаллиф бу образга ўзига сабоқ берган адабиёт муаллимининг фикрлаш тарзида кузатган табиатни, ҳаётни

<sup>3</sup> Тошбоев О. Абадий замондош. Тошкент: F. Ғулом . 2018 . – Б. 62.

<sup>4</sup> Холмирзаев Ш. Сайланма.IV. Тошкент: Шарқ., 2006. –Б. 317.





севиши ғояларини сингдирганига ишонч ҳосил қиласиз. Зикир Умаров ўзи ишлаган мактабда ўқувчиларда санъатга, адабиётта бўлган меҳрини оширган, ўқувчиларининг истеъдод қирраларини кашф этиб борган. Адибнинг хотираларида келтирилган ушбу факт Зикир Умаровнинг нақадар фидоий инсон бўлганини тасдиқлайди: “...мактабимизнинг(Бойсун марказидаги 1-сон ўрта мактаб) директори тил ва адабиёт ўқитувчимиз Зикир Умаров раҳбарлигида мактабда тайёрланиб, шаҳар маданият уйи саҳнасида намойиш этилган “Бой ила хизматчи” спектаклидаFaafur ролини ййнагандим...”<sup>5</sup>

Ижодкор ҳаёти давомида юрагидан жой олган, меҳри тушган инсонларни шунчаки унутиб юбормаган. Уларни ижобий қаҳрамонлар сифатида ҳикоя-қиссаларига жалб қилиб келган. Шукур Холмирзаевнинг болалик ва ўсмирлик давридаги, мактаб билан боғлиқ хотиралари йиллар ўтгани сайин тобора чукур фалсафийлик касб этиб борган. Абдулла Қаҳхор айтганидек, “Вино чукур ертўлаларда тингани сингари ўтмиш-кишининг хотирасида тинади; кишининг ёшлиқда кўрган –кечирганлари кўп йиллик вино сингари тиниқ ва қучли бўлади. Мана шундай ўтмишда кўрган -кечирганларим кўп ҳикояларим ва йирик асарларимдаги эпизодларга асос бўлди.”<sup>6</sup>

Шукур Холмирзаевнинг “Аросат” ҳикоясида воқеа Зикир Умаров ҳаёти билан алоқадор бўлмаса ҳам ёзувчи асардаги зиёли инсон образига Зокир Ўрин деган номни муносиб деб билган. Зокир Ўрин образида бир вақтнинг ўзида икки инсон сифатлари, сийрати жам бўлган. Муаллифнинг ўзи ва устози Зикир Умаровнинг камтарин, илмпарвар, одамгарчиликни устун қўйиш фазилатларини бу образда кўришни истаган. “Аросат” ҳикояси ёзувчининг ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айтантаришдаги маҳоратини яққол кўрсатиб турувчи асарларидан бири. Ҳикоянинг ижодий биографиясини ўрганиш орқали асардаги бир даврдаги икки хил одам: зиёли шахс ва янги ишбилармон инсон образи талқинини очишга уриндик. Кузатишмизча, адибнинг кўпгина эсселаридаги қаҳрамонлар муаллифнинг қайсиидир ҳикояларидаги образларга жуда менгзаб кетади. “Ватану халқ учун хизмат беминнат бўлади” эссеси “Халқ сўзи” газетасининг 1998 йил 13 ноябр сонида эълон қилинган. Эссе адибнинг сайланмасига киритилмаган. “Бу эссе-хотирада иккита майший ҳаётий воқеа

<sup>5</sup> Тошбоев О. Абдий замондош. Тошкент: F. Ғулом . 2018 . – Б. 73.

<sup>6</sup> <https://ziyouz.uz/matbuot/sovet-matbuoti/abdulla-qahhor-hodisasidan-badii-toqimaga-1965/>





хикоя этилади. Биринчи қисмида, Ш.Холмирзаевнинг Қурбон Амирқулов билан учрашуви ва аразлашув воқеалари; иккинчи қисмида Қурбон Амирқуловнинг дүстидан кечирим сўраб, Тошкентга келиши ва ярашиши воқеалари...”<sup>7</sup> тасвиirlанган.

Ёзувчининг қўнглидан чуқур ўрин олган воқеликлар, албатта, бир қун дардлар пўртanasida юзага қалқиб чиқиши ва бадий асарга айланиши турган гап. Ёзувчининг “Аросат” деган ҳикояси юқорида келтирган Қурбон Амирқулов ҳақидаги эссеining биринчи қисмига-учрашув ва аразлашув эпизодига жуда мос келади. Биз икки хил жанрдаги асар учун бир воқеа “уруг”-ижодий ғоя берганини тушундик.

Гарчи ҳикоядаги Хўжамёр айнан Қурбон Амирқуловнинг ўзгинаси бўлмаса ҳам, Хўжамёрнинг қўполлигини, бефаросат қилиқларини, замона ҳақидаги қалтабинлик билан айтган гапларини Қурбон Амирқулов харакатларида кузатмаган бўлсак-да, Қурбон ва Хўжамёр ўртасида битта умумийлик яққол кўринади. Бу умумийлик аросатда-ўтиш даврида турган пулдорларнинг зиёли инсонларга (бойлик кетидан қувмаган, қаноатли) бўлган муносабатида намоён бўлган. Ёзувчининг яқин шогирдларидан аниқлашимизча<sup>8</sup>, эссадаги воқеа 1991 йилда адаб Бойсунга-туғилиб ўсган гўшасига борган кезлари содир бўлган. Ёзувчи собиқ синдоши билан боғлик воқеадан қаттиқ таъсирланган кўринади. Бу Шукур Холмирзаев учун - нафсидан устун яшаган, таъмдан холи, ори баланд инсон учун табиий ҳол. Ниҳоят, у 1993 йилда “Аросат” ҳикоясини ёзади. Олим Тошбоев бу ҳикоя ҳақида шундай асосли мулоҳазаларини билдирган: “Ёзувчи устозни шогирд, маърифатни бойлик ҳузурига келтиришдан мақсад нима эди? Илм корчалон ҳузурига камтар, камсуқум устоз қиёфасида келади. Мана шу сахна моҳиятан ўтиш даври одамларининг қиёфасини, муносабатини кўрсатган дейиш мумкин...”<sup>9</sup>

Шукур Холмирзаев ҳаётий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга қачон айлантириди?

<sup>7</sup> Кўчкорова М. Бадий сўз ва руҳият манзаралари.. Тошкент. Мухаррир, 2011. – Б. 79.

<sup>8</sup> Бу воқеа ҳақида Шодмонқул Салом эшитган - билган маълумотларини бизга оғзаки равишда маълум қилди. Маълумот эссе матнiga жуда мос. Ҳатто бир таъсирли эпизодни эссега кирмаганини билдириди. Тадбиркор ёзувчи дўстининг машинасига икки қоп гуруч ҳам жойлатиб қўйган бўлади. Ёзувчи бундан бехабар, аммо ҳамрохининг хабари бўлади. У ёзувчига гуруч машинада эканини айтгач , ғазаб отига миниб турган адаб гуручларни катта йўлда колдириб кетади.

<sup>9</sup> Тошбоев О. Абадий замондош. Тошкент: F. Fулом . 2018.- Б. 285.





Маълумки, “...ҳаётий ҳақиқат ва бадиий ҳақиқат умумлашмасига асосланувчи бадиий образ ёки бадиий асарнинг ҳаётийлигини, жонлилигини таъминловчи бош манба- мавжуд ҳаёт ва унинг серкирра оқими, муаммолари. Шундай экан, ижодкор бир томондан, ҳаётий ҳақиқат ичидан ўзига керакли қиррани топиб олиши, ҳаётий материал бағридан идеалига мос муаммоларни аниқлаб олиши ва бир қарашда барчага маълумдек туулган сирлиликни образлар воситасида санъат муҳлисларининг ҳис-туйғуларига, онгига таъсир этадиган шаклда акс эттириб бериши лозим.”<sup>10</sup> Ёзувчи синфдоши билан бўлган воқеа бағридан ўз эстетик идеалларига мос лавҳаларнигина олади ва уларни нафас олиб турган ижтимоий муҳитнинг муаммоларини фош этишга йўналтиради.

Муаллиф ўзида ҳамда Қурбон Амирқуловда ўтиш давридаги бир-бирига зид қарашлар борлигини, юзлаб одамларда, янги даврнинг “янгича” асоратларини қўриб, англагач, бу аслида умуммиллий дард, қамрови кенг муаммо эканини тушунади ва ёзишга киришади. Ўтиш даври одамлари ҳақида ёзиш фикри адаб кўнглида анча вақт муқим ўрин олган. “Аросат” хикояси ёзилганидан кейин орадан беш йил ўтиб, Шукур Холмирзаев Усмон Азим ундови туфайли Қурбон Амирқулов билан ярашиб олишади. Тадбиркор, халқпарвар синфдош дўстини қилган шунча эзгу ишлари олдида, ўзига нисбатан қилган дилхираликни унутади. Бу воқеалар эссесида ўз инъикосини топади.

Кўринадики, ёзувчини айнан синфдоши Қурбон Амирқул эмас, унинг бир оғиз сўзигина ижодкор қалбига оғриқ солган. “Илҳомнинг макони одамда меҳр ва ғазаб уйғотадиган ҳодиса”, - дея А.Қаҳҳор бежиз таъкидлаган эмас. Ижодкор бир лаҳзалик ғазаб туйғуси туфайли “Аросат”ни ёзган. Чунки синфдош дўсти билан бўлган сұхбатдан кейин адидан тадбиркорлар одамгарчиликдан, беғараз меҳр-оқибат туйғуларидан бенасиб бўлаётирлар, деган хаёл ўтади. Асарни эссени ўқир эканмиз, ҳаётий ҳақиқат Қурбон Амирқуловни Хўжамёр каби оқибатсиз эмаслигини, азбаройи дўстини соғингани ва ёзувчи дўстидан ранжишга ҳам асоси борлигини кўрсатади. Аммо ижодкор инсон туйғуларининг тошқинида бу ҳақиқатдан-да кучлироқ умуммиллий дард, инкор этиб бўлмас бошқа бир ҳақиқат юзага чиқади. Бу бадиий ҳақиқат эди. Матёқуб Қўшжонов айтганидек, “Бадиий ҳақиқат - баланд ҳақиқат.”<sup>11</sup> Эсседа келтирилишича,

<sup>10</sup> Саримсоқо Б. Бадиийлик асослари. Тошкент: 2004. – Б. 98.

<sup>11</sup> Холмирзаев Ш. Сайланма. IV. Тошкент. Шарқ, – Б. 360.





ёзувчининг синфдоши анча эзгу ишларни қилиб, халқقا нафи тегиб юрган, хурмати, қадри баланд инсон. У дўстига чин дилдан яхшилик қилишни истайди, бироқ фикрини айтиш усулини билмайдиган чўрткесар, дангалчи одам. Аммо унинг ўрнида бошқа тадбиркор бўлса-чи? Синфдоши борган бемаъни хаёл(манфаат илинжида келган бу бечора зиёли!) бошқаларнинг ўйидан кечмасмиди? Кечар эди, кечаётган эди! Адаб шуларни тасаввур қилган ва таассуф қилган. Хўжамёр образи айни шу тасаввур ва таассуфнинг натижаси ўлароқ дунёга келган. Тўғри, зиёлиниг тадбиркор олдига боришидан мақсад бир хил - устоз шогирдини, ёзувчи-эски дўстини эришган мартабаси, ютуқлари билан табриклаш ниятида борган. Бироқ воқеалар ривожи ва якунда реал воқеликка қарама қарши ўринларни кузатиш мумкин. “Хаққонийлик –воқеликни бутун икир-чикирлари билан айнан акс эттириш эмас, балки муайян макон ва замондаги воқеликни етакчи тамойилларни ишонарли, тўлақонли акс эттириш демакдир.”<sup>12</sup>Хўжамиёр образини яратилишига туртки бўлиб қолган Курбон Амиркуловнинг аслида қандай маънавият эгаси экани эссе якунида очиқланади. Адаб қалбида дўстига нисбатан ғазаб эмас, меҳр жўш уради. Эссе хотимаси шундай фикрлар бор: “Мен уни дилдан кучокладим: “Қалбимда фахр-ифтихор туйгуларини туярканман: “Ҳа, булар ўзига хос, янги ўзбеклар, булар мустақиллик туфайли, янги ислоҳотлар, турмуш тарзи тақозосидан ўз имкониятларини оча бошлаган фидоий, ватанпарвар, халқсевар ўзбеклардир”<sup>13</sup>, - деган гаплар хаёлимдан ўтди. “Чин ёзувчи ўз дардини, яъни қалби буюрганини ёзадики, беихтиёр равища халқининг дардини ифодалаган бўлиб чиқади, гўё қалблар талаб этган нарсани бунёдга келтиради...”<sup>14</sup>

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Матёкуб Кўшжонов. Ҳаёт ва нафосат. Тошкент. Ф. Ғулом. 1970. – Б. 26.
2. Саримсоқоа Б. Бадиийлик асослари. Тошкент: 2004. – Б. 98.
3. Тошбоев О. Абадий замондош. Тошкент: Ф. Ғулом . 2018 . – Б. 62.
4. Холмирзаев Ш. Сайланма.IV. Тошкент: Шарқ., 2006. –Б. 317.
5. Холмирзаев Ш. Ватану халқ учун хизмат беминнат бўлади . Халқ сўзи,1998. 13 ноябр.- Б.4.

<sup>12</sup> Саримсоқоа Б. Бадиийлик асослари. Тошкент: 2004. – Б. 100.

<sup>13</sup> Холмирзаев Ш. “Ватану халқ учун хизмат беминнат бўлади” . “Халқ сўзи” . 1998 йил. 13 ноябр.- Б. 4.

<sup>14</sup> Шукур Холмирзаев замондошлар хотирасида. Тошкент: Ф. Ғулом, 2010. – Б. 61.





O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA  
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR  
UNİVERSİTESİ



6. Шукур Холмирзаев замондошлар хотирасида. Тошкент: Ф. Ғулом, 2010. – Б. 61.
7. Кўчкорова М.Бадий сўз ва руҳият манзаралари. Мухаррир. Тошкент. 2011.– Б . 45.
8. <https://ziyouz.uz/matbuot/sovet-matbuoti/abdulla-qahhor-hayot-hodisasidan-badii-toqimaga-1965/>



O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA  
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR  
UNİVERSİTESİ